БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 24-25 (486-487) 2006-yil 28-iyun

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган қутлуғ айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати сингган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунида мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдига қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очиғини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч – журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожи учун зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга менинг эзгу тилагим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчликтотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жараён

ВАТАН ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Кеча мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрами кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг биз журналистларга йўллаган табрикларини, самимий дил сўзларини фахр ва ғурур билан тингладик.

Мана ўн уч йилдирки, 27 июнь санаси оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳаётида қутлуғ бир айёмга айланди.



Ҳа, вақт дарёси оқиб ўтиб бораверади. Мана шу ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, қилинган хайрли амаллар эса тарих саҳифаларига муҳрланиб қолади. Шу нуқтаи назардан қараганда аввалги касб байрамимизни нишонлагандан бери ўтган бир йил давомида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳаётида ҳам қатор янгиланишлар, ўй-режалар амалга оширилди. Уларнинг замирига Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган маърузасида тилга олинган оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича вазифалар асос қилиб олинди. Бу борадаги асосий вазифа — мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат эканлиги ҳар биримизга равшан.

Табиий, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш ҳақида сўз борар-каркан, аввало, ҳуқуқий асослар кўз олдимизга келади. Зеро, бу борадаги қонунчиликнинг фаолиятига доир қонунлар яратиш борасида кўп иш қилинди. Лекин шу билан бирга журналистик фаолият учун яна қатор қонунлар яратилиши ва амалда бўлган қонунларни такомиллаштиришни замон, тараққиёт талаб қилади.

Ўтган йил давомида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қатор қонунлар қайта кўриб чиқилди ва уларга тегишли ўзгартиш, қўшимчалар киритилди. Улар орасида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар бор. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ишларда Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда президентимизнинг парламент қўшма йиғилишида қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастуридаги ОАВни янада демократлаштириш йўналиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишчи гуруҳи ташкил этилиб, бу гуруҳ томонидан ўзбек журналистикаси тараққиётига хизмат қилувчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилганини ҳам қайд этиб ўтиш даркор. Улар орасида Ўзбекистон профессионал журналистининг ахлоқ-одоб кодекси, оммавий ахборот воситалари хартияси, оммавий ахборот воситаларининг миллий медиа-форуми концепцияси, оммавий ахборот воситалари бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар бор. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири ўзбек журналистикаси учун қанчалик муҳим аҳамият касб этиши барчага тушунарли бўлса керак.

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар

«HURRIYAT» ТАНЛОВ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

ННТ мақомига эга бўлган Журналистлар клубига ОАВ вакиллари катта қизиқиш ва умид билдирдилар

Сирдарё вилояти "Ҳордиқ плюс" газетаси мухбири Зулфия Йўлдошевага, учинчи ўрин Қашқадарё вилояти "Новости Кашкадарьи" газетаси мухбири Равиль Исхановга насиб этди. Шунингдек, "Адолат" нашриёти директори Маҳмуд Сатторов, "Кураш" халқаро журнали бош муҳаррири Азамат Суюнов ҳам танлов ғолиблари сифатида тақдирланишди.

Шу куни Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ҳамда Нодавлат электрон ОАВ ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган "Бизнинг замондош", "Энг яхши телекўрсатув" ва "Замон билан ҳамнафас" гранти ғолиблари ҳам аниқланди. Маълум қилинишича, 8 та мавзу доирасида ҳудудий телестанциялар томонидан тақдим қилинган жами 25 та, радиостанциялар тақдим қилган 13 та грант лойиҳаси кўриб чиқилган. Экспертлар кенгаши хулосасига кўра 15 та ҳудудий телестудия ва 8 та радиостанция грант ғолиблари деб топилган. Уларнинг ҳар бирига 3-4 миллиондан, жами 80 миллион сўмлик миқдордаги грантлар ажратилган.

Шу куни нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) мақомига эга бўлган Журналистлар клуби очилганлиги ҳақидаги хабар деярли барча ОАВ вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир иштирокчилари клуб низоми, фаолият дастури, мақсад ва вазифалари, раҳбарлик органлари билан танишдилар. Маълум қилинишича, клуб журналистларининг ўзаро фикр ва ахборот алмашувини рағбатлантириш, улар ўртасида ўзаро яқин мулоқот ўртаниш, клуб аъзоларининг профессионал, ижодий, ҳуқуқий ва шахсий соҳаларда қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, ОАВ ўртасида конструктив алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш, очиқ ахборот алмашув майдонини янада ривожлантиришни асосий мақсад қилган. Клубга унинг мақсад ва вазифаларини тан олган барча ОАВ вакиллари ихтиёрий равишда аъзо бўлишлари мумкин. Яқин орада клуб шинам, миллий ва замонавий асосда безатилган ўз жойига эга бўлади. Шунингдек, клуб қошида журналистлар учун 10 та йўналиш бўйича танлов асосида мукофот таъсис этилган. 2006 йилнинг 1 январидан 1 декабригача босма ва интернет нашрларда эълон қилинган, радио ва ТВ орқали эфирга узатилган материаллар тақдим қилиниши мумкин.

Мукофотлар ғолибларга декабрь ойининг 3-декадасида тантанали равишда тақдим этилади.

МУХБИРИМИЗ

Хабар

БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ


Жамият ҳаётида касб байрамларининг алоҳида ўрни бор. У одатда маълум бир соҳага ихтисослашган кишиларни яқинлаштиради, янги мақсад ва вазифалар томон ундайди, шод-хуррамлик, куч-қувват бағишлайди. Ҳар йили 27 июнда нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни журналистлар, матбаачилар, электрон ОАВ техник ходимларининг чинакам байрамига айланади десак муболаға бўлмайди.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида байрамга аталган тадбир бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.




Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов йиғилганларни уюшма номидан байрам билан самимий қутлаб, "Йилнинг энг фаол журналисти-2005" танлови ғолибларини эълон қилди. (Танлов ғолиблари рўйхати қуйида берилади). Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев спорт мавзусини яхши ёритган бир қатор журналистларга махсус мукофотлар топширди. Тадбир давомида байрам иштирокчилари учун катта концерт дастури намойиш этилди.



Шу куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ижодкорлар ва уларнинг оилалари учун бепул байрам сайли уюштирилди. Маълумотларга қараганда, шу куни мамлакатимиздаги барча вилоят ва туманларда матбуот ва ОАВ ходимлари куни байрами кенг нишонланди.

МУХБИРИМИЗ.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.



Изоҳга ҳожат йўқ...

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

Якун

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2005" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Даўит АБИБУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси "Еркин Қарақалпақстан" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Меҳр-оқибат, миллатлар ўртасидаги бағрикенглик ва тотувлик мавзусидаги мақолалари учун

Жаҳонгир АДИЛОВ, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош рассоми

Маънавий-маърифий мавзуларда яратган ижодий ишлари учун

Саида ДАВЛЕТОВА, "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" муҳарририятининг шарҳловчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга бағишланган ҳамда сиёсий ва халқаро мавзулардаги кўрсатувлари учун

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" газетаси мухбири

Ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш мавзусидаги туркум мақолалари учун

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим мудири

Таълим тизимидаги ислоҳотларни ёритишдаги фаоллиги ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалари учун

Шуҳрат УМИРОВ, "Жаҳон" ахборотгентлигининг етакчи мутахассиси

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни интернет тармоғи орқали самарали ёритиб борганлиги учун

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТГА САЗОВОР БЎЛГАНЛАР:

Лев САВЕЛЬЕВ, "Правда Востока" газетаси бўлим мудири

Саминжон СУЛТОНОВ, (Сирдарё вилояти) "Адолат кўзгуси" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Ҳамид СУЛТОНОВ, "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳаррири

Ботир ТЕМУРОВ, (Қашқадарё вилояти) "Қашқадарё" газетаси бўлим мудири

Дилфуза ЭСОНОВА, Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳаррири

Оловуддин ҒАФФОРОВ, "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

Олимжон ҲАКИМОВ, (Фарғона вилояти) "Давр овози" газетаси бош муҳаррири

Муҳаббат ҲАМРОЕВА, "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири

ВАТАН ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умуман, ўтган йили мамлакатимиз ОАВни эркинлаштириш, ривожлантириш йўлида кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди. Зеро, барчамизга яхши маълум, ахборот соҳасидаги туб ўзгаришлар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги 10 йилда уларнинг сони икки баравар ошди. Бугун мамлакатимизда 683 газета, 198 та журнал, 55 нашриёт, 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Табиий, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун ёрдам берадиган бир фонд керак эди ва бугунги кунда мазкур фонд олиб бораётган фаолият ҳақида илиқ фикрлар айтиш мумкин.

Шубҳасиз, ОАВ ўртасида радио ва телевидениенинг алоҳида ва нуфузли ўрни бор. Бу соҳани ривожлантириш жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялашда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ҳам катта ислоҳотлар ўтказилиб, мустақил телерадиоканаллар ташкил этилди. Бу ислоҳотлар ўз кутилган самарасини беради, деб ўйлаймиз.

Ҳа, оммавий ахборот воситалари ҳаётида янгиланишлар жараёни давом этмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам фаол қатнашмоқда. Шу ҳақда сўз очганда уюшмамизнинг бир ташаббусини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Ўтган йили Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан биргаликда "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Мазкур танлов Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, уни ўтказишдан кўзда тутган мақсадимиз миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш эди.

Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Уни ташкил этиш ва ўтказиш ишларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, "Новости Узбекистана" газетаси таҳририяти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этиш истагини билдиришди.

Бу йил "Олтин қалам" танлови илк бор ўтказилди ва айтиш жоизки кутилганидек, журналистлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ — телевидение, радио, матбуот ходимлари ўртасида эълон қилинган танловга 150 га яқин ижодий иш топширилди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилгач, энг мукаммал асарлар соҳиблари — тележурналист Норқобил Жалил, радиожурналист Шарофиддин Тўлаганов, матбуот йўналиши бўйича таниқли журналист Иброҳим Норматовлар танлов ғолиби деб топилди. Шунингдек, бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам бир қанча иқтидорли журналистлар рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Албатта, янги танлов якунларига бағишланган маросимни ёдда қоларли тарзда ўтказишимиз лозим эди. 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан ўтказилган катта тадбирда бу маросим кенг ўрин олди, мукофотлар ўз эгаларига тантанали суратда топширилди.

Ўйлаймизки, танлов келгуси йиллар ҳам янада қизғин давом этади ва журналистларимизни ижодий баркамолликка сари чорлаб турувчи муҳим воситалардан бирига айланади.

Шу ўринда уюшмамиз томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб, касб байрамимиз куни ғолиблари эълон этилиб, қимматли совғалар билан тақдирланадиган "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ҳам ижод аҳли томонидан юксак эътироф этиб келинаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўтган йил натижаларига назар соларканмиз, бир қанча ижодкорларимиз китобларининг тақдимот маросимларини ўтказганмиз. Ўзбек журналистикаси ривожига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз ОАВда узоқ йиллардан бери фаолият олиб бораётган қатор журналистларнинг кутлуғ ёшларини нишонлаган сурурли онларимиз кўз олдимизда намоён бўлади. Уюшмамиз фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Олдимизда эса ҳали қилинадиган ишлар, амалга оширилиши лозим бўлган режалар кўп. Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш, бу кутлуғ айём муносабати билан қатор тадбирлар ўтказиш ҳаракатидамиз. Улар орасида "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан ҳамкорликда ўтказаётган "Энг улуғ, энг азиз" танлови ҳам бор. Демак, журналистларимиз учун ўз маҳоратларини синаб кўриш йўлида яна бир имконият бор. Биз ҳамкасбларимизни бу танловда ҳам фаол иштирок этишга даъват этамиз ва уларнинг ҳар бирларига омад тилаймиз.

Омад калити эса меҳнатда, ижод ва изланишда.

Зеро, воқеалар қозонида қайнайдиган, ўзини ватан, эл-юрт, оддий инсонлар манфаатлари, ҳақиқат тантанаси учун курашга бағишлаган журналистлар ҳаётини бусиз тасаввур этиш ҳам мумкин эмас.

Яна бир бор касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Нашр

ГАЗЕТА – ҲАЁТ ОЙНАСИ

"Постда" ҳамиша постда

Янги юз йилликни глобаллашув, информатика ва ахборотлашув асри дейиш мумкин. Дарҳақиқат, XXI асрнинг дастлабки йиллариданоқ, бу борада инсониятнинг ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб кетди. Компьютер халқ хўжалигининг барча соҳаларига дадил кириб келди. Ҳатто ҳисоб-китоблар автоматлаштирилди. Бу ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Интернет ва кабел телевидениеси пайдо бўлди. У мамлакатимизда ҳам кенг тарқалди. Оммавий ахборот воситаларининг замонавий шакллари — жамоат ва хусусий телевидение, радиоэшиттиришлар, газета-журналлар Ватан мустақиллигининг шарофати сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида фаолият юритаётганим, ҳамда журналистлигим туфайли ҳуқуқий йўналишдаги газета-журналларнинг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бераман. Аслида ҳуқуқий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларини кўпайтириш, мавжудларини такомиллаштириш ва барча оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзудаги чиқишларни кўпайтириш ҳамда таъсирчанлигини ошириш — давр талаби. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган эканмиз, ушбу улуғвор вазифанинг асосларидан бири қонун устуворлигига эришиш ва аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир.

Ҳозир мамлакатимизда 30 дан ортиқ ҳуқуқий йўналишда газета-журналлар чоп этилмоқда.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларнинг бири — суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, деб белгилаб берган эди. Ана шу улуғвор вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг нашри бўлган "Постда" газетаси ва "Қалқон" журнали ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу нашрлар замон билан ҳамқадам одимлаб, ўз саҳифаларида шу куннинг долзарб муаммоларини мунтазам ва самарали ёритмоқда.

Масалан, профилактика хизматини такомиллаштириш тўғрисида ҳукуматимизнинг тегишли қарори чиқиши билан газета саҳифаларида ушбу ҳужжатнинг моҳияти муштарийларга тушунтириб берилди. Зеро, ушбу хизмат ички ишлар идораларини аҳоли, кенг жамоатчилик билан яқиндан боғлаб турувчи муҳим бўғиндир. Шунинг учун ушбу қарорнинг ижросига ва соҳадаги муаммоларнинг ечимларини топишга кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тергов хизмати фаолиятини такомиллаштириш ҳам долзарб вазифа бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг иш режасида "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиши белгиланган. Чунки, ушбу соҳадаги ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир ислоҳот пировард натижада жамият учун, инсон манфаатлари учундир. Ички ишлар вазирлиги нашрлари ҳам ушбу масалани ёритишга алоҳида эътибор берди. Нашрларда берилган мақола ва суҳбатлардан нафақат жабрланувчининг, балки гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳам қандай ҳуқуқларга эгалиги-ю, бу ҳуқуқларни таъминлаш механизми устида атрофлича фикр юритилди.



Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири давлат идоралари фаолиятида ошкораликка эришишдир. "Постда" газетаси ва "Қалқон" журнали ана шу муҳим вазифани ҳам муваффақиятли бажармоқда. Нашрлар саҳифаларида ички ишлар идораларининг бугунги фаолияти, ушбу фаолиятда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар, баъзи камчиликлар ҳам очиқ-ошкора ёритилмоқда. Фуқароларнинг таҳририятга мурожаатлари, шикоят хатлари ҳам бепарво қолмаяпти. Бу эса ўз навбатида ички ишлар идораларининг халққа яқинлаштиришнинг муҳим омили бўлмоқда.

Жиноятга жазонинг муқаррарлигини эслатиб туриш ҳам турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. "Жиноятга жазо муқаррар", "Қилмиш-қидирмиш", "Иссиғида очилди", "Суд залидан" рукнлари остида берилаётган мақолалар, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга, қолаверса баъзи бир жиноят содир этишга мойил кимсаларни ўз ниятларидан қайтаришга хизмат қилмоқда.

Газета ва журналда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга қўмаклашувчи саҳифа ва рукнлар ташкил этилган. Чунки осойишталик посбонлари ўз касблари тақозосига кўра кенг омма билан, аҳолининг турли табақалари билан, жумладан, оддий фуқаролар билан кенг мулоқатда бўлишади. Уларнинг фаолияти самарали ва таъсирчан бўлиши касб маҳоратининг шахсий маданияти билан уйғунлиги даражасига, яъни маърифатлилигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун нашрларда мунтазам "Маърифат дарслари", "Ижтимоий сиёсий сабоқлар" мавзусида саҳифалар уюштирилаяпти. Шунингдек, ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари ички ишлар вазирлигининг барча тизимларида ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтказилади. Ана шу машғулотларнинг матнлари ҳам бериб борилаётгани айни муддао бўлмоқда.

"Сиз кутган учрашув" саҳифасида мамлакатимиздаги таниқли маданият намояндалари билан суҳбатлар берилаётгани ички ишлар ходимларининг маънавий оламини бойитишга муносиб ҳисса қўшяпти. Республика Ички ишлар вазирлиги Олий Ҳарбий техника билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Ўктам Умаровнинг мактуби ҳам буни тасдиқлайди: "Шахсий таркиб ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда "Постда" газетасида чоп этилаётган мақолалар катта ёрдам бермоқда. "Қалқон" журналида халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк саркардалар ҳақида берилаётган туркум материаллар эса аскарлар ва курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда". Ана шундай мактублар таҳририят ходимларининг кайфиятига кайфият, руҳиятига руҳият қўшиб, янада самарали ишлашга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 январдан республикамизда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони суд-ҳуқуқ органлари ислоҳотларига кенг йўл очиб берди. Ўлим жазоси бекор қилингач, ўта оғир жиноятлар сони ортиб кетмайдими деган мунозарали жараён кечаётган бир даврда газета ва журналда етук назариётчи, ҳуқуқшунослар, амалиётчилар ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этдилар. Фармоннинг моҳиятини, аҳамиятини чуқур тушунтирдилар, хориж тажрибаси, миллий қадриятлар, суд хатоси каби жиҳатлар ҳам четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш бўйича фармони ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш, судлар ваколатини ошириш йўлида муҳим қадам бўлди. Хўш, бу ҳуқуқни амалга ошириш механизми қандай кечади. Бу мутахассисларнинг ўзаро музокаралари, баҳсларида ойдинлашиши табиий. Шунинг учун ҳам вазирлик нашрлари ўз саҳифаларида ушбу мавзуни ёритишга кенг ўрин бераётгани айни муддао бўлди.

Жорий йил бошларида автомобил транспортида йўловчи ташишни яхшилаш борасида республикамиз Президенти томонидан имзоланган фармон ва қабул қилинган қарорларни олиб кўрайлик. Бу масалани аҳолига тушунтиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Аввалига ҳамюртларимизнинг айримлари энди кирақашлар камайиб, йўловчиларга қийин бўлади деган хаёлга ҳам боришди. Шунда бу ҳужжатлар аввалambор йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга ва уларга хизмат сифатини яхшилашга қаратилганлиги барча оммавий ахборот воситалари орқали оммага кенг тушунтирилди. Ички ишлар вазирлиги нашрлари ҳам бу борада фаол иштирок этдилар

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ушбу ишларни қонуний асосда тартибга соладиган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари том маънода оммабоп ҳуқуқий нашрлардан ҳисобланади. Уларда чоп этилаётган материаллар тили ва услубининг содда ҳамда тушунарли эканлиги, мавзуларининг ранг-баранглиги ҳамда долзарблиги билан ажралиб туради.

Журналистика ва ҳақиқат. Ушбу икки тушунча бир-бирига моманд ва уйғун. Ҳаётнинг ўзаги — ҳақиқат. Оммавий ахборот воситалари эса ҳаёт кўзгуси. Журналистиканинг доимий ва ўзгармас мақсад-муддаоси ҳам ҳақиқат яъни халқчилликдир.

Касбдошларга халқчил асарлар яратишда каттадан катта ютуқлар тилайман. Кутлуғ кун – касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз сафдошлар.

Раъно ЗАРИПОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
МИЛЛИЙ БАНКИ


Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Миллий валютада қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Таътил (сақлаш муддати 3 ой) — 21% (йиллик)
Келажак (сақлаш муддати 5 йил) — 25% (йиллик)
Омонлик (сақлаш муддати 6 ой) — 20% (йиллик)
Омадли (сақлаш муддати 2 йил) — 23% (йиллик)
Шифокор (сақлаш муддати 6 ой) — 28% (йиллик)
(тиббиёт ходимлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари хизматчилари учун)
Кўпайсин (сақлаш муддати 1 йил) — 21% (йиллик)

Ўз омонатларини сақлаш учун бизга ишонч билдирган инсонлар фаровонлиги йўлида ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
135-42-83, 134-14-14.
www.nbu.com







«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» уюшмаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Матбуот ва ахборот асрининг барча жонкуярларига тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик, оилавий бахт ва ижодий ишларида муваффақиятлар тилайди!







✓ Интервью

«ЖУРНАЛИСТИКАГА ОИД ЎЗБЕКЧА ДАРСЛИК ҲАЛИ ЯРАТИЛМАДИ»

Ахборот суръатининг тезлашиши жаҳон оммавий ахборот воситаларини тубдан ўзгартириб юборди. Жадал тараққиёт журналистлар олдига аввалгидан-да мураккаброқ вазифаларни қўйди. Бундай вазиятда журналист қандай позицияда бўлиши керак? Жаҳон журналистикаси билан рақобат қила олишимиз учун нималар қилишимиз лозим? Ўзбек журналистикасининг олдидаги муаммо ва камчиликлар нималарда кўринади? Шу каби саволларга жавоб излаб ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети профессори Файзулла МУМИНОВга мурожаат қилдик.

— Файзулла ака, ҳар бир соҳа ривожланиш йўлидан борар экан, бир нечта босқичларни босиб ўтиши керак бўлади. Жумладан, журналистика ҳам. Бугунги ўзбек журналистикаси ўз тараққиётининг қайси поғонасига кўтарилди?

— Тўғри савол бердингиз. Ўлчови олинган уй бузилмайди. Шундай экан, вақтивақти билан журналистикамиз қўлга киритган ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳисобини олиб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Энди саволга қайтиб фикр юритадиган бўлсак, бугунги Ўзбек журналистикасининг иккита асосий хусусиятини алоҳида айтиб ўтишни истардим. Биринчиси — мустақил давлат журналистикаси эканлиги. Иккинчи хусусияти шундан иборатки, ўзбек журналистикаси ахборот асри босқичига қадам қўйди. Яъни ахборот асри қонуниятлари асосида фаолият олиб боряпти. Буни бир қатор мисоллар билан тасдиқлашим мумкин. Масалан, барча таҳририятларда ёзув машинкалари компьютерлар билан ўрин алмашди. Аксарият ижодий жамоалар ва қаламкашлар интернет хизматидан фойдаланяпти. Қолаверса, ўз сайтига эга бўлган таҳририятлар сони ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Электрон тармоқ эса оммавий ахборот воситаларидаги аҳволни тубдан ўзгартирди. Бундай вазиятда ижод қилиш янгича ёндашувлар, усуллар ҳамда жуда кенг кўламдаги янги билимларни талаб қилади.

Яқинда бир семинарда Ўзбекистонда он-лайн журналистика факультетинини очиш вақти келди деган фикр билдирилди. Ҳақиқатан ҳам, бу олдимизда турган асосий масала. Он-лайн журналистика факультети Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети таркибида ташкил этилса, мақсадга муофиқ бўларди.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан журналист ихтисослашуви масаласига келиб тўхтади. Бу мавзуга кейинги пайтларда ботбот қайтилмоқда.

— Бугунги кунда ахборот миқдори мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Бундай шароитда журналистларнинг ихтисослашмасдан ҳеч ҳам иложи йўқ. Ахборот шу қадар кўпки, битта материални тўғри ёзиш учун қанча маълумотга эга бўлиш керак. Универсал (бир вақтлар яхши гап бор эди – "кўпстанокли") журналистларнинг даври ўтди. Бунда ҳам истиснолар бўлиши мумкин, албатта. Лекин журналистларни тайёрлаш масаласида замон билан ҳамқадам бўлишимиз шарт. Бугунги кунда журналистика факультетларида таълимни ихтисослашув асосида олиб бормаслик — бўлғуси кадрларни таҳририят ёки телерадиоканалларда ўз ўрнини топа олмасликларини олдиндан била туриб ўқитиш демакдир. Чунки бундай мутахассис соҳани, мавзуни билмайди, фактларни тўғри йиғолмайди, материал ёзолмайди, репортаж тайёрлай олмайди. Бугунги амалиётимиз буни қайта-қайта тасдиқлаяпти. Бола бошидан деганидек, ихтисослашувни бакалавриатдан, биринчи курснинг иккинчи ярмидан, кечи билан иккинчи курсдан бошлаш зарур. Кўпгина хорижий мамлакатларда, хатто Россияда ҳам таълим тизими шу тарзда йўлга қўйилган. Афсуски, биз ҳали бу масалада бироз орқадамиз.

— Журналистикамиздаги яна бир оғриқли нуқта адабиётларнинг етишмаслигида сезиляди. Тўғри, рус ва инглиз тилларида чиқарилган китобларни етарлича топиш мумкин. Интернет орқали турли сайтлардан маълумотлар олса, электрон кутубхоналардан ҳам фойдаланса бўлади. Аммо ўзбек тилида ўқиганга нима етсин!

— Назарий адабиёт яратиш – жуда қийин масала. Айниқса, ҳар куни ўзгариб турадиган журналистика соҳасида. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, журналистика кафедраси ЎзМУ таркибида 1949 йилда очилганидан бери, яъни 57 йил давомида Ўзбекистонда журналистикага оид дарслик на ўзбек, на рус тилида чоп этилган. Ўқув қўлланмалар озми-кўпми чиққан, лекин дарслик ҳали йўқ. Журналистларимизнинг бугунги кун талабларига қониқарли жавоб бера олмасликлари сабабларининг бир учи ҳам шунга бориб тақалади.

Журналистикага доир китобларни яратиш учун шароит керак. Ўқитувчи эса кундалик юмушлари билан банд: дарсларга тайёрланиш, ҳужжатлар тўлдириш, ҳисоботлар топшириш ва ҳ.к.

Лекин бу масалада ҳам силжишлар бор. Ҳозир профессор Мухтор Худойқулов, доцент Бойбўта Дўстқораев, бизнинг гуруҳимиз ва бошқа бир қатор ҳамкасбларимиз ўз дарсликларини ёзиб ниҳоясига етказмоқдалар. Билишимча, баъзи дарсликлар шу йил сўнгига қадар талабалар қўлига етиб боради.

— XXI аср журналистикасидаги энг катта ютуқ ОАВнинг рақамли технологияга ўтгани бўлди. Бундан келажакда ҳар бир соҳада асосий ишларни техник ходимлар қилади, бошқа соҳа вакиллари, шу жумладан журналистларнинг сони камайиб кетади деган хулоса чиқариш мумкинми?

— Ҳақиқатан ҳам, рақамли технологиялар ахборот соҳасидаги фаолиятни кескин ўзгартириб юборди. Давлат ва журналистика ўртасидаги муносабатлар ҳам шу туфайли жиддий ўзгариб кетди. Лекин бу энди давлат жамиятни бошқармайди дегани эмас. Ҳуқуқий фуқаролик жамиятини асосан жамоавий ташкилотлар бошқариши аниқ. Лекин давлатнинг функциялари сақланиб қолади: мудофаа, хавфсизлик, ички тартиб ва бошқалар. Технология – бу шуури йўқ техник воситалар, жонсиз асбоб-ускуналар. Уларни одамлар бошқаради. Инсонлар эса журналистлар, давлат хизматчилари, турли соҳа вакиллари.


Журналистлар масаласига келганда, уларнинг сони камаймайди, аксинча, кўпаяди. Чунки ахборот билан ишлай оладиган мутахассисларга зарурат кун сайин ортиб бормоқда. Шу ерда бир парадоксни келтирмоқчиман. Ҳар доим журналистика факультетлари ўқитувчиларига "Кадрларни яхши тайёрлай олмаяпсизлар", деган эътирозим бўлган. Лекин талабаларимизнинг аксарияти ҳали ўқишни тугатмасданоқ, қолаверса, иккинчи курснинг ўзида ишга киришади. Гарчи улар тузук бир материал ёзолмаса ҳам. Бундан кўринадики, ахборот билан ишлай оладиган одамларнинг қадри жуда баланд.

— Одатда бирор киши билан суҳбат қуришни режалаштирганимизда мана шу саволни берса яхши бўларди деган хаёлга борамиз. Айтинг-чи, сиз мендан яна қандай саволни кутгандингиз?

— Ахборот асрига муносиб журналист бўлиш учун нима қилиш керак деган савол кутгандим. Энди саволга жавоб берадиган бўлсам, бугунги ёш авлод, бу давр қандай бир ажойиб ва мураккаб замон эканлигини ҳали етарли даражада англай олмаяпти. Ва бундай шароитда яшаш ҳамда ижод қилишга етарли тайёрланиш кўринмаяпти. Таҳририятларда иш бошлаганларига 5-10 йил тўлганидан кейин эса турли касбий, ижодий, қолаверса, ҳаётий мураккабликларга дуч келишлари, ёритадиган мавзуларини билмасликлари, интервью ололмасликлари, репортаж ҳамда съёмкалар оригинал чиқмаётгани каби ҳолатлар бўлиши табиий.

Бунинг учун нима қилиш керак? Замон шу қадар тез ўзгариб бормоқдаки, касбий адабиётларни (рус, инглиз тилларида бўлса ҳам) доимо ўқиб бориш, тажрибали миллий ва халқаро журналистларнинг ижодини тинмасдан кузатиб юриш керак. Ҳаёт ҳар куни бизга турли янгиликларни инъом қилаверади. Улардан яхшиларини ажратиб, юртдошларимизни бунга даъват этишдан катта бахт бўлмаса керак.

Азим РЎЗИЕВ
суҳбатлашди



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ



Мустақил Ватанимиз журналистларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрами билан чин дилдан табриклайди.


«Тўртинчи ҳокимият» вакилларига мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик ва Ватанимиз олдидаги шарафли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

юртимиз журналистларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан самимий муборакбод этади.





Журналистлик фаолияти ҳам оғир, ҳам масъулиятли ва шарафли эканини яхши биламиз. Биз эл эътиборидаги ана шундай касб эгаларига соғлиқ-омонлик, илҳом ва ижодий кўтаринкилик тилаймиз!







Истиқлолимизни кўз қорачиғидай асраш, мамлакатимизни иқтисодий юксалтириш ҳаммамиздан, хусусан, қалам аҳлидан катта фидойилик талаб этади.
Сизларга донишмандлик, ҳалоллик, жасорат ва адолат ҳамиша ёр бўлсин!

Хотира

САРҒАЙГАН ДАФТАРЛАР ЎЙЛАСИН...

Кутилмаганда таҳририятда китоб ҳолатидаги 7 та ажабтовур қўлёзма дафтари пайдо бўлиб қолди. Улар жамоамиз ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Гапнинг рости, ҳаммамиз гўё тилла топиб олган боладай ҳайратларимизни яширолмасдик. Катта ҳурмат, ҳафсала ва сабр-тоқат билан тайёрланган бу қўлбола дафтарлар обдон «элак»дан ўтказилгач, якдилликда бир тўхтамга келдик: бу асори-атиқа ишнинг муаллифи ҳақида ёзиш керак...

Бу иш шунчаки, ҳавасга қилинмагани аён бўлавергач, ёзиш осон кечмади. Ҳар бири чоғроқ ёстиқдек келадиган дафтарларни варақларканмиз, муаллиф кўз нурини тўкиб, зукколик билан қанча йиллар бадалида тайёрлади экан, деб ўйладик. Аёнки, бу дафтарлар узоқ йиллик машаққатли меҳнат маҳсули эди. Муаллиф ўзини шундай савоб ишга чоғлар экан, бундан кўзда тутган муддаоси ҳам тайинлигига иқрор бўлдик...

ДАФТАРЛАРГА ЧИЗГИЛАР

Сўз бошида муаллиф матбуотга қанчалик яқинлигини қуйидаги жумлалар билан изоҳлайди: «Инсон борки, ўз ҳаётида учта мактабдан: ота-она, устоз ва ҳаёт мактабидан сабоқ олиб камолотга етишади. Ҳаёт мактаби — бу матбуотдир». Сўнг муаллиф туман газетасининг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида куюнчаклик билан мулоҳаза юритади. Унда меҳнат қилиб, тарихни жонлантириш, аждодларимиз меросини улуғлаган устозлар фидойилигини самимият ва ифтихор билан тилга олади. Газетанинг неча йиллик тарихини жонлантириш, унда фидокорлик билан меҳнат қилган аҳли зиёлиларнинг матуботдаги чиқишларини жамлаш ва саралаш иштиёқи туғилади. Ниҳоят, муддаога киришилади.

Биринчи дафтар газетага бир муддат етакчилик қилган марҳум Тожи Худойбердиевнинг фаолияти ҳақидаги жумлалар билан бошланади. Бу зоти пок умрининг адоғига қадар газета билан мустаҳкам алоқада бўлганлигини тасдиқловчи қатор далиллар келтирилади. «Боболаримиз жасорати абадий яшайди», «Районда сув учун кураш саҳифаларини варақлаб...», «Тўйчиполвон», газетанинг 50 йиллик тўйи муносабати билан «Қаламингиз тиғдор бўлсин» каби даъваткор мақолалари шулар жумласидандир.

Меҳрибон устоз, талабчан мураббий Мажид ака Самадовнинг порлоқ хотираси олдида ҳамиша таъзимдамиз. Урушда яқинларидан жудо бўлган ўзбекистонликларнинг чинакам халоскори, ўксиган кўнгилларнинг малҳамига айланган мардона кураш акс этган ўнга яқин китоблари ҳали-ҳануз қўлдан қўлга ўтиб ўқилади. Дафтарда пири комил ижодига бағишланган саҳифалар салмоқли ўрин тутган. Устознинг дастлаб таржимаи ҳоли таништирилади. Сўнг пискентлик шоира ва олима, халқ оғзаки ижоди билимдони Музайяна Алавия ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи «Музайяна қалб ва туғма истеъдод соҳибаси» мақоласи келтирилади.

Шунингдек, «Инсониятга бағишланган умр», ҳарбий мавзудаги «Муваффақиятли ҳужум», «45 йилдан кейинги учрашув», «Марҳумларнинг эслаш тирикларнинг бурчи», «Шарқий номерация операцияси», «Ўнгидан келган операция», «Марҳум жангчиларнинг ёдга олиш — муқаддас бурчимиз», «Ибратли ҳаёт» мақолалари, «Номинг ўчсин, уруш!» шеърий достони ва яна ўнлаб газета қораламаларини кузатамиз.

Табиатан ўта талабчан, икки ҳажв китобининг муаллифи Тўхташ Қосимов газетачиликда ўзига хос обрў-эътибор топган устозларимиздан бири. У муҳаррирлар ишини якдиллик билан давом эттириб, газетага 18 йил раҳбарлик қилди. Ҳозирда нафақада. Аллоҳнинг бешта фарзини покдамонлик билан амалга ошираётган устоз ҳақида ва унинг камтарона чизгилари дафтардан муносиб ўрин олганлигидан беҳад қувондик.

Иккинчи дафтар яна бир устозим — журналист (ҳозир нафақада) Анвархон Аҳмедовнинг ҳеч бир ҳамкасбларимизда учрамайдиган қисқа ва лўнда тавсифлаш маҳоратига эга бўлган мақолалари билан бошланади.

Муаллифнинг зийрак нигоҳи келгуси авлодларга муносиб мерос қилиб қолдиришга арзигулик воқеа ва ҳодисалар битилган матнларга кўпроқ қаратилган. Бу яхши ният йўлида мўъжаз газетамиз атрофида жипслашган бирорта (у моҳир журналистми, ондармён жамоатчи мухбирми), қалам аҳли қолмаган. У умри давомида тарих учун хизмат қиладиган лоақал битта мақола ёзган бўлса ҳам зийраклик билан қамраб олинган.

Дафтарларнинг аксарият саҳифаларида турли йилларга мансуб мақолаларда шиддаткор ҳаётда ўз ўрнингни топишга, азиз гўшани авайлаб-асрашга даъват мужассамдир. Сарғайган қоғозларда ортга қайтмас умрнинг рангин жилоларини кўргандек бўлдик.

Шунингдек, қолган дафтарларда коризлик муаллим Тошпўлат Йўлдошев, ҳавасманд тарихчи Абдунаби Сиддиқов, собиқ ҳамкасбларимиз Иброҳим Тошев, Абдумалик Маллахўжаев, Эргаш Абдуллаев, Холмат Норматов, Шоира Шоматова, Шоира Умрзоқова, Шуҳрат Тожиев, Сайёра Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, марҳум Абдулазизхон Маҳмудова, Вазира Умрзоқова, Акбархон Икромов, Отажон Абдакимов, Исроил Сиддиқов, айни пайтда устозлар ишини давом эттираётган Тўхтамурод Ҳасанбоев, Қўйсиной Арслонова, Мамлакат Сатторова ва бошқа кўплаб қаламкашларнинг катта-кичик мақолаларига тартиб берилган.



Яна бир дафтар борки, унда вилоят, республика нашрларида турли даврларда чоп этилган «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» рукни остидаги мақолалар, тарихий шахсларнинг ҳаёти, жамият фаолиятида муаммо бўлиб турган масалалар кўтарилган мақолалар жамланган газета қирқимлари ўрин эгаллаган.

Энди сўнгги дафтарни варақлайлик: Абдужаббор Мавлонов — Сувти қишлоғидан. 1934 йилда таваллуд топган. Қишлоқдаги 18-мактабда 30 йилдан зиёд ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ берган. Катта ўқитувчи унвони бор. Нафақага кузатилгач, Сувти маҳалласининг оқсоқоли бўлиб оилалар бутунлиги учун курашган ва бу савоб ишда ҳозир ҳам камарбаста. Қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлиги йўлида савоб ишларга қўл урган. Тадбиркор зиёли сифатида каттаю кичикнинг ҳурматига сазовор бўлган инсон.

Булар Абдужаббор аканинг қишлоқдаги камтарона ҳаётидан бир шингил, холос. У моҳир муаллим, куюнчак қаламкаш сифатида газетамиз билан 30 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг «Сўви ширин Сувти қишлоғим» давомли публицистикаси, «Аждодларимиз тарихидан» рукни остида «Норқул оқсоқол», «Суронли йилларнинг нодирабегимлари», «Давр», «Қадр», «Қалблар туташган кун» каби қаламкашлар тили билан айтганда «тош босадиган, тишли-тирноқли» мақолаларини муштарийлар катта қизиқиш билан кутиб олганлар. Абдужаббор ака ҳаётини матбуотсиз тасаввур қилолмайди. Ҳали ҳануз даврга мос, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги тўсиқларга муросасиз тарзда ёниб ёзади. Йиллар бадалида ҳозирлаган машаққатли ноширлик юмушидан кўзда тутган нияти эса ғоятда хайрлидир. Бир кун келиб «Пискентнома» деган тарихий бир китоб яратилса, шунда дафтардаги сақламалар хамиртуруш ўрнида хизматга шай бўлади.

Қаранг, қандай улуғ ва савоб ният. Дафтарлар саҳифаларига сўнгги бор кўз югуртираётиб, сарғайган қоғозлар юзидаги ёниқ сиймоларга кўзимиз тушди. Унда Тожи Худойбердиев, Мажид Самадов каби устозларимиз бизни ёзиш ва яна ёзишга ундаб тургандек эдилар. Дафъатан, газетага беқиёс ихлоси ва иштиёқи алангадек ловуллаб турган Абдужаббор акага нисбатан сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бир туйғу уйғонди. Бу устозлар хотирасини бот-бот кўмсаш ва чексиз соғинч ҳислари эди...

Собиржон ИНОМОВ,
журналист,
Пискент тумани

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

«ЭЛИТА»


уруғчилик хўжалиги жамоаси
озод юртимиз журналистларини
касб байрамлари билан
табриклайди!



Халқимиз маънавиятини ошириш,
жонажон Ўзбекистонимиз довруғини
ёйишдек улкан ва масъулиятли
фаолиятингизда Сизларга
муваффақиятлар ёр бўлсин,
азиз журналистлар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Озод юртимиз журналистларини
Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни
билан қутлайди!





Мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатингизда ҳамиша омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин.
Барча-барчангизга мустаҳкам соғлиқ, юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин бўлсин!

O'ZSANOATQURILIShBANK

"Ўзсаноаткурилишбанк" жамоаси Сизларни
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан табриклайди.

OMONAT KITOBCHASI
SAVINGS BOOK
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

UZPROMSTROYBANK
VISA
VISA Electron

CONTACT
Migom®
INTER EXPRESS

Банкимиз хизматларидан фойдаланинг!

www.uzpsb.uz
info@uzpsb.uz

Фаолият

"Адолат" нашриёти 1992 йил 8 январда таъсис этилган бўлиб, республика аҳолисини ҳуқуқий маърифат билан таъминлашга қаратилган адабиётлар чоп этишга ихтисослашган.

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ХИЗМАТИДА



Бозор иқтисодиёти-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга ўтиш шароитида адабиётга эҳтиёж кучайди. Шу муносабат билан тараққий этган мамлакатлар мамлакатларнинг деллари ҳақида маълумотлар чоп этилди. Муассари унга кўплаб мобларининг тақдим этиш билан бирга Шу билан давр-зуларида нашриёт режа-келди. Ишга зими фаол ритиб, А. Абдуқаҳа иш юритирланди. асарга иштиёқ "Ўзбек детективлари" туркуми кур туркумда очилди. Мазмунларча қизиқарли китоб босмадан чиқди.

Республикамизнинг жаҳон миқёсига чиқиши, халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши божхона, солиқлар, почта, алоқа, пул хизматлари масалаларига катта қизиқиш уйғотди. Ҳуқуққа оид барча саволларни ўз ичига олган "Аҳоли учун юридик маълумотнома" деб номланувчи 6 китобдан иборат қомусий тўпламлар ўқувчиларнинг дастурий китобига айланди.

"Адолат" нашриёти ташкил этилган йилли 20 номда китоб чоп этилган бўлса, ўтган 14 йил давомида ҳаммаси бўлиб 500 дан зиёд номда адабиёт ва босма маҳсулотлари нашр қилинди.

Нашр этилаётган китоблар мазмун ва мавзусига қараб 6 бўлимга бўлинди. Бу адабиётлар 11 та туркумга жамланди. Булар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, янги қонунлар, кодекслар, қонунларни тушунтиришга мўлжалланган адабиётлар, қонун ҳужжатлари тўпламлари ва бошқалардан иборат.

Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган муҳим воқеа ва саналарга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Кўплаб илмий ва бадиий асарлар шу юбилейлар муносабати билан чоп этилди. Детектив асарлар, суд очерклари, ахлоқ-одобга оид 50 дан ортиқ адабиёт чиқарилди.

Нашриёт ташкил топган пайтдан бошлабоқ юридик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ўрта умумтаълим мактаблари, лицей ва гимназиялар учун ҳуқуқий дарслик ва ўқув қўлланмаларини чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бунинг учун масъул муассасалар билан ана шундай адабиётларни чоп этиш бўйича ўзаро шартномалар тузилди. Шу йиллар давомида 150 дан ортиқ номда дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар чиқарилди.

Ҳуқуқий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларида олий ўқув юртлари, республика радио ва телевидениеси, оммавий ахборот воситалари билан алоқалар мустаҳкамланди. Чиқишлар, ҳамкорлик, ҳомийлик ишлари йўлга қўйилди. Радио-телевидениенинг ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришга бағишланган эшиттириш ва кўрсатувларида фаол иштирок этилди.

Республикамиз аҳолиси ҳуқуқий маданиятининг такомиллашувида муносиб ҳисса қўшиш нашриётимиз жамоасининг фаолият шиори бўлиб қолаверади.

Маҳмуд САТТОРОВ,
нашриёт директори

Эътироф

Миллий матбуотимизнинг 100 йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда Ўзбекистоннинг янги тарихи марказида фаолият кўрсатаётган, юртимиз журналистикаси тарихига доир илмий изланишлар олиб бораётган Назира Абдуазизованинг фаолиятига бир назар ташлаш ҳам алоҳида эътиборга молиқдир.

Ўзбек журналистикаси тарихи бўйича етук мутахассис, фан доктори Н.Абдуазизованинг матбуотимиз тарихига доир ўнлаб китоблари, юздан зиёд мақолалари чоп этилган. Олиманинг кўп йиллик изланишлари самараси бўлган «Туркистон матбуоти тарихи» китобида тарихимизнинг ҳали ўрганилмаган саҳифалари, қоронғи нуқталари очиб берилган. Тўғри, бу даврга қадар миллий журналистикамиз тарихига доир бир қанча китоблар, жиддий мақолалар ёзилган. Бироқ уларда миллий матбуот тарихига эски тузум нуқтаи назаридан баҳо бериш, асл тарихни хаспўшлаш сезилиб турарди. «Туркистон матбуоти тарихи» эса янги назар, янги қарашлар самараси ўлароқ дунё юзини кўрди. Шу боис бўлса керак, кўпчилик олимлар, журналистлар, тарихчилар китоб ҳақида илиқ фикрлар билдиришган.



МАТБУОТНИНГ УЗОҚ ВА ЯҚИН ТАРИХИ

ёхуд тарих фанлари доктори Назира Абдуазизованинг тадқиқотлари хусусида

Ўзбекистон янги тарихининг ажралмас қисми бўлиб келган Туркистон вақтли матбуоти солномаси «Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917)» китобида XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда вақтли матбуотнинг юзага келиши ва ривожланиши, ўзбек журналистикасининг тарихий илдизлари, илк матбаа асарлари, журналчиликнинг шаклланиш жараёнлари, миллатпарвар маърифатчиларимизнинг фидокорона фаолияти, уларнинг Ватан озодлиги, миллат истиқболи йўлидаги курашлари тадқиқ этилган. Дарҳақиқат, ўша давр ўлкани қолоқликдан қутқариш, тараққиёт сари бошлаш, кенг халқ оммасининг, бутун миллатнинг маънавий-маърифий камолоти учун жон куйдирган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввarқори Абдурашидхонов, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари улуғ зотлар «Тараққий», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби газеталарни, миллий журналларни ташкил этдилар. «Туркистон матбуоти тарихи»да ана шундай жуда кўп воқеалар, далиллар изчил талқин қилинган.

Сўнгра «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» номли тадқиқот ҳам босилиб чиқди. Мазкур монографияда мамлакатимизда журналчилик тарихи, унинг шаклланиш жараёни ва равнақи (XIX аср охири – XX аср), таснифий муаммолари, мавзулар доираси, бугунги аҳволи тўғрисида анча кенг фикр юритилади. Монография уч бобдан ташкил топган. Дастлабки бобда мустамлакачилик даврида Туркистонда юзага келган адабий-бадиий журналлар ҳақида сўз кетади. Хусусан, Туркистонда нашр этилган дастлабки журналлар, уларнинг тарихий-тадрижий ривожланиш йўллари ва ҳаётнинг қайси жабҳаларини ёритгани, ўзига хос хусусиятлари ушбу бобнинг мазмун-мундарижасини белгилаган. Собиқ шўролар тузуми даврида нашр этилган адабий-бадиий журналлар, хусусан, «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи» каби нашрларнинг фаолияти, мазмун-мундарижаси бугунги кун талаблари асосида иккинчи бобда ёритилган.

«Мустақил Ўзбекистон адабий-бадиий журналлари» бобида эса, миллий истиқлол шароитида чоп этилаётган ижтимоий-сиёсий ва адабий журналлар, жумладан, «Мулоқот», «Тафаккур» сингари нашрлар фаолиятида ижодий кўтарилиш руҳи етакчилик қилиши таҳлил орқали кўрсатиб берилган. Зотан, олима таъкидлаганидек, маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтаришга интилиш ҳисси, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтириш туйғуси устувордир.

«Ўзбекистон журналистикаси тарихи» китобидаги қуйидаги фикрлар матбуотнинг ролига берилган катта баҳодир. Матбуот – давр ва замоннинг маънавий кўзгуси. Унда жамият, кишилик руҳияти, мақсад-интилишлари, муносабатлари ва манфаатлари ўз аксини топади.

Нашрларнинг турли соҳаларга дахлдорлигидан қатъи назар, ўқувчи онги ва тафаккурига таъсир этиш орқали жамият руҳиятини белгилайди, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз муносабатини билдиради. Демакки, матбуот тарихий тараққиёт ва жамият фалсафасидир.

XXI асрга келиб жамият ҳаётида оммавий ахборот воситалари янги имкониятлар жарчиси сифатида муҳим роль ўйнаётгани яхши маълум. «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари» рисоласи Н.Абдуазизованинг янги илмий тадқиқотларнинг самарасидир.

Муаллиф ўз ўқувчиларига мавзуни баён этишда хронология босқичларига риоя қилади, ўзбек миллий матбуоти асосчилари ва улар томонидан нашр эттирилган газета-журналлар тўғрисида маълумотлар беради. Иккинчидан, истиқлолдан сўнг оммавий ахборот воситаларининг ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришининг моҳияти ҳақида сўз юритади. Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонунлари, Журналистлар ташкилоти тўғрисидаги маълумотларнинг айтиб ўтилиши эътиборга лойиқ. Тўртинчидан, ўзбек радиоси ва телевидениеси ҳамда республика ахборот агентликларининг фаолият йўналиши мухтасар ҳикоя қилиб берилган. Ва ниҳоят, Интернетнинг жаҳон ахборот майдонида янгиликлар алмашуви воситаси эканлиги далиллар ёрдамида келтириб ўтилади. Китоб бўлажак журналист учун малака ошириш, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишда амалий қўлланмалардан бири бўлиб қолади.

Н.Абдуазизованинг «Матбуот ва маънавий мерос» китоби ўқувчини энг аввало, миллатимиз билан фахрланишга кенг мушоҳадага ундайди. Мақолаларнинг ҳар биридаги кўтаринки руҳ бобокалонларимиз қолдирган бой ва ранг-баранг маънавий меросни асраб-авайлашга, уларни замон руҳиятига мос равишда бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб беришга даъват этади.

Китоб икки қисмдан иборат. Муаллиф фикр-мулоҳазаларини «Тарғибот мавзуси – миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш» ва «Буюк муҳаддис меросига эҳтиром» сарлавҳали бўлимларда баён этиб берган. Уларда халқимизнинг маданий ва маърифий жабҳадаги узоқ асрлик тарихий йўли ўзбек журналистикасининг истиқлол даври материаллари асосида тадқиқ қилинади.

Тўпламнинг биринчи қисмида «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Фан ва турмуш», «Тафаккур», «Мулоқот», «Жаҳон адабиёти», «Ёшлик» ва бошқа журналларда чоп этилган аждодларимизнинг нодир асарларига ҳамда уларга тааллуқли илмий мақолаларга муносабат билдирилиб ўтилган. Олима, жумладан шундай деб ёзади: «Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Соҳибқирон Амир Темур каби қатор тарихий шахслар, улуғ донишманд сиймоларнинг илмий-маънавий, маърифий-исломий меросининг халқимизга танилишида бу журналларнинг хизмати катта бўлди. Бу ҳолни оммавий ахборот воситалари жамиятни демократлаштиришга салмоқли ҳисса қўшаётганлигининг ёрқин далили сифатида эътироф этиш лозим».

Рисоланинг иккинчи қисми буюк муҳаддис, ҳадис илмининг султони — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга бағишланган. Истиқлол шарофати билан муборак сиймолар қатори ул зот номининг тикланишидан тортиб, илм зиёсининг олимлари томонидан атрофлича ўрганилиши, ўқув даргоҳларида ўқитилишию матбуотда кенг ёритилиши — буларнинг барчаси китоб муаллифнинг эътибор-назаридан ўтган. Олима матбуот бу тарғибот ва ташвиқот ишларида янада камарбаста бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Зеро, маънавий-маданий меросимиз жамиятимизнинг баркамол авлодини тарбиялашда ва ахлоқий тарбиямизни бундан кейин ҳам мустаҳкамлашда шаксиз, устувор моҳият касб этиб бораверади.

Н.Абдуазизованинг «Истиқлол матбуоти ва Соҳибқирон Амир Темур» илмий рисоласи Соҳибқирон Амир Темур даҳоси, буюк бобокалонларимизнинг нафақат Марказий Осиё халқлари балки жаҳон тарихи олдида хизматлари беқиёслигини кўрсатишга, айни чоғда, темуршуносликдаги долзарб жиҳатларни ёритишга бағишланган. Рисолада Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси, ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, у буюк зот қолдирган бой маънавий ва моддий мерос ўзбек миллий матбуоти материаллари асосида ёритиб берилган.

«Матбуот ва сўз эркинлиги — олий қадрият» номли китобда миллий матбуотимиз тарихи, хусусан, жадид матбуоти тўғрисидаги ҳақиқатнинг тикланиши, газета-журналларнинг халқимиз маънавий-маърифий қадриятларини тарғиб этишдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари каби масалалар қаламга олинган. Муаллиф Н.Абдуазизова эътиборни истиқлол боис ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам янгича муносабат вужудга келганлигини, матбуот ва сўз эркинлиги бебаҳо неъматга, олий қадриятга айланганлигини кўрсатиб беришга қаратади.

Фотима МЎМИНОВА
филология фанлари
доктори, профессор




«ЧАҒОНИЁН»
ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИ







Мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий, адолатли, демократик жамият барпо этиш жараёнларини холис ёритиб боришда, буюк келажагимизга муносиб авлодни камол топтиришда камарбаста журналистларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан қизғин қутлайди.



Асло толманг, ҳамиша омон бўлинг. Тан-сиҳатлик, яхши кайфият, оилавий бахт умр йўлларингизни асло тарк этмасин, азиз ҳамкасблар!




Жиззах вилояти Товар хом-ашё биржаси ҳузуридаги

«ГУЛБУЛОҚ»

шўъба корхонаси


мамлакатимиз журналистларини касб байрамлари билан қутлайди!

Бухоро вилояти Пешку туманидаги



«ЯНГИБОЗОР»

пахта заводи жамоаси



эркин фикр, толмас шижоат ва юксак ижодий маҳорат соҳиби бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари — азиз журналистларимизни касбий байрамлари билан самимий табриклайди!

МАТБУОТ АКЦИОНЕРЛИК ТАРҚАТУВЧИ КОМПАНИЯСИ



Мамлакатимизда-ги барча журналистларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади!





Дилсўз

“Газета таҳририятининг штаби — котибиятда ҳақиқий газетачилар бўлганда чинакам журналистларнинг ижоди янада ярқираб кўзга ташланиб туради”. Марҳум устозимиз, журналист адиб Самад Қодировнинг ушбу пурмаъно сўзларини эслаганимда, кўз олдимга бир неча матбуотчилар қаторида ўзига хос қалам соҳиби, газета ишининг билимдони Ҳамид Султонов ҳам келади.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

ҳамкасбимиз учун муҳим меъёрдир

Журналистлар ижодий уюшмасининг ягона журнал нашри — “Ўзбекистон матбуоти”ни бошқараётган Ҳамид Иброҳимович билан биз матбуотга бир даврда кириб келганмиз. У ўзининг ижодий фаолиятини “Тошкент бинокори” газетасида оддий ходимликдан бошлаган. 1974 йилдан эса Ҳамиджон билан бир жамоада, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида ёнма-ён ишлай бошлаганмиз. Дўстимни таҳририятнинг котибиятига ишга таклиф қилишган даврда етакчи даврий нашрнинг котибиятида ишлаш ғоятда масъулиятли эди. Негаки, бу ерда газета ишининг Абдукарим Набихўжаев, Яҳё Тўхтаев каби ҳақиқий усталари фаолият кўрсатишарди.

Журналист аҳли яхши билади. Таҳририятнинг котибиятида ишловчилар икки жиҳатдан ажралиб туришади. Биринчи давра ғирт газетачи, яъни газета иши, техникаси, саҳифалаш-безагининг ўзига хос пирлари бўлишади. Уларнинг аксарияти мақола ёзмайди. Чиройли, кўримли, макети мукаммал газета менинг мақолаларим, дейишади улар. Котибиятда ишловчи иккинчи гуруҳ эса, ҳам котиблик қилади, ҳам ёзади. Шунинг учун улар эълон қилишга, макетлаштиришга тавсия этилган мақолаларга айрича қизиқиш ва ҳурмат билан ёндашишади. Репортаж ёки лавҳанинг, публицистик мақола ёки очеркнинг мазмун-моҳиятини бошқаларга нисбатан янада теранроқ англашга интилишади. Газета материалини ўзлари ёзгандай ҳис этишади.



Ўзим ёзганимда ҳам шундай жойлаштирардим, дея уни макетлаштиради. Ва номердан бўшаши билан линейкасини қаламга алмаштиради. Ҳудди шу боис, таҳририятнинг бундай котибларини ижодкор газетачи дейишади.

Ҳамид Султонов саксонинчи йилларга келиб етук ижодкор газетачи сифатида эътибор қозонди. Агар “Ўзбекистон овози”нинг ўша даврда чоп этилган сонларининг тахламлари варақланса, бир-биридан мазмунли, чиройли, безакли, макетлари мукаммал саҳифаларга кўз тушади. Бу саҳифалар ўнлаб ёки юзлаб эмас, минглаб. Уларнинг тенг ярмида масъул котиб муовини Ҳамид Султонов линейкасининг изи бор. Буни биз, унинг ҳамкасб дўстларигина эмас, балки газетанинг фаол муаллифлари бўлган журналистлар ҳам, мухбирлар ҳам яхши билишади. Матбуотчилар эътиборига тушган, матбуотшунослар эътироф этган ана шу газета сонларида ҳамкасбимизнинг “Ҳ. Султонов”, “Ҳ. Иброҳимов”, “С. Ҳамидов” имзолари билан босилган қўплаб мақолаларини ҳам ўқиш мумкин. Булар асосан спорт ҳақидаги лавҳа ва ҳозиржавоблик билан ёзилган, долзарб мавзудаги репортажлардир.

Мен “ҳозиржавоблик билан ёзилган” сўзига бежизга урғу бермадим. Ўзи олиб бораётган, яъни босилаётган кундалик газета номерига раҳбарият томонидан конкрет мавзу айтилиб, тезликда мақола тайёрлаш ёки уюштириш керак бўлиб қолса, бу ишга биринчи навбатда масъул бўлим ёки вилоят мухбирининг кечикишини, кечикаётганини сезса, топшириқни дарров Ҳамиджоннинг ўзи уддаларди. Бир гал унинг бундай ҳозиржавоблигига шоҳид бўлган бош муҳарririmiz, навбатдаги “литучка”да — газеталар таҳлил қилинаётганда, “Яхшиям, котибимиз ижодкор газетачи”, дея унинг эпчиллигини алоҳида эътироф этганини ёдимда.

Ҳамиджон материалнинг ками-кўстига, хатосига бўлим, уни тайёрлаган ходим жавоб беради, бу менинг вазифамга кирмайди, деган фикрдан мутлақо йироқ котиб эди. Номерининг материалларини, айниқса, уларнинг сарлавҳаларини эринмай, айрича синчковлик, танқидий кўз билан қараб чиқарди.

Ҳамкасбимиз ижодий фаолиятининг кейинги ўн уч йили “Ўзбекистон матбуоти” журнали билан боғлиқ. У бу ерда аввал бир неча йил масъул котиб бўлиб ишлади. Сўнг бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Ана шу давр мобайнида кичик ижодий жамоанинг журнални ўзбек матбуотчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳақиқий минбарига айлантириш борасидаги саъи-ҳаракатларига, интилишларига бош муҳаррир қаторида Ҳамид Султонов ҳам фаол камарбаста бўлди. 2004 йилда унинг кўксида юксак эътироф рамзи — “Дўстлик” ордени ярқиради.

Шундай жонкуярлиги, фаоллигини эътироф этган мутасаддилар 2006 йилнинг авваридан эътиборан унга журналнинг бош муҳаррирлигини ишониб топширди.

Ҳар икки ойда бир марта чиқаётган “Ўзбекистон матбуоти”нинг янги йилдаги дастлабки икки сони ўқувчилар қўлига тегди. Улар билан танишганлар журнал мазмунида, жуғрофиясида, рукнларида, ҳатто безакларида ҳам ўзгариш содир бўлаётганини сезишди. Шундай бўлиши керак эди. Чунки Ҳамид Султоновнинг қўлида қирқ йиллик қалам бор! Қирқ ёшли қалам Мухтор Авезов таъбири билан айтганда, янгитдан чархлангандай ўткир бўлади. Унинг соҳибига эса биз астойдил ишонамиз. Негаки, “Ўзбекистон матбуоти” фақат матбуотчиларнинг эмас, балки ҳамманинг, омманинг севимли журналига айланиши, бунинг учун энг аввало мавзуларни янада ранг-баранглаштириши, муаллифлар даврасини кескин кенгайтириши, баъзи нашрларга ўхшаб ҳар хил йиғиндилар (тайёр нарсалар)дан иборат бўлиб қолмаслиги, ўзининг мукаммал қиёфасига эга бўлиши шарт деган мулоҳазаларда Ҳамид Султонов биз билан — кенг ўқувчилар даврраси билан астойдил фикрдош.

Юсуф БЕРДИЕВ

«Hurriyat»-10

ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ДАВР, ШАХС, ЖАМИЯТ

Тошкент отчопари бозорида йигирмадан ортиқ фан доктори савдо билан машғул, деган овоза юрибди. Кимдир бундан кўпроқ дейди, кимдир улар қаторига ўнлаб ёзувчи, шоир, рассомни қўшиб айтади. Гап уларнинг сонида эмас, балки тижоратчи — фан доктори, тижоратчи — ёзувчи, тижоратчи — композитор тоифасидаги жамият вакилларининг вужудга келганида!..

“Пул қоғозга муҳрланган эркинлик” деган киноялы таъбирни эсласак, бизда пулдорлик мартабаси ва шахсий бойлиги орта бошлаган кишилар ўзларини қонундан четдаги одам деб ҳисоблашга одатлана борадилар. Ахлоқ-одоб талабларини писанд қилмайдилар, оддий “маданият” тушунчасини унутадилар. Ана энди шундай кишиларга маънавиятдан оғиз очиб кўринг-чи!

1998 йил 19 август

Нурбек РАҲИМ

ҚИШЛОҚ МУХБИРИНИНГ ТАЪНАСИ

Мен йигирма йилдан бери туман, вилоят ва жумҳурият матбуотига мақола ва шеърларим билан қатнашиб келаман. Нима бўлдики, жаридалар кўпайди-ю, унда ишловчи журналистлар ўз мақоласини чиқариб, биз сингари қишлоқ мухбирларининг материалларига эътибор бермай қўйишди.

26 август


ЙЎҒ-Э!

Инсон — азоб-уқубатларни тажрибадан ўтказувчи жонзотдир.

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»
акциядорлик компанияси
Самарқанд вилояти
«ЖУМА ЭЛЕВАТОР»
акциядорлик жамияти
юртимиздаги жамики қалам аҳлини касб байрами билан чин кўнгилдан самимий қутлайди.




Дастурхонимиздан файз, қут-барака аримасин! Хонадонларимиз обод, дилларимиз шод бўлсин!



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
акциядорлик суғурта компанияси
Самарқанд вилояти филиали
Республикамиздаги барча ОАВ вакиллари ва матбаачиларни касб байрами билан чин кўнгилдан қизғин табриклайди.




ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН
ХАЛҚ БАНКИ
BANK XALQ BANKI



Мустақил Ўзбекистон журналистларини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан қутлайди

ва «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитини тақдим этади. Мазкур истеъмол кредити орқали Сиз:



Маиший техникалар, уй-рўзғор буюмлари ва мебелларни харид қилиш

Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволанишни молиявий қўллаб-қувватлаш



Тўй ва марака маросимларини ўтказиш


Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланишни қўллаб-қувватлаш



Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган тарихий обидаларни зиёрат қилиш





ҳамда истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа турдаги хизмат, иш ва товарларни олиш имкониятига эга бўласиз.

Халқ банкн истеъмол кредитларидан фойдаланинг ва турмуш фаровонлигингизни оширинг!



Эътибор

Уни жуда яхши танийман. Доим оддий кийиниб юради. Камтар, хушмуомала, ҳазилкаш. Баъзан кайфияти ёмон бўлса-да, буни бошқалардан яширишга ҳаракат қилади.

ЖУМАҚУЛИЕВ ДОИМ ЁЗАДИ



Ишхонамда нимани-дир ёзиб ўтирардим. Одатдагидек шарқона одоб билан ўша акам кириб келди. Самимий кўришдик. Ҳар тўғрида анча суҳбатлашдик.

У тўсатдан бир нуқтага узоқ тикилиб қолди. Мен халақит бермадим. Нимадир эсига тушди, шекилли, жойидан сал қўзғалиб қуйидаги шеърни қироат қила бошлади:

Шон-шуҳратдан кечдим мен
Орзулардан кетдим мен.
Ҳижронларни йиртдим мен.
Исёнларни ютдим мен.

Суронлардан ўтдим мен.
Тўфонларни титдим мен.
Айро кўнгиллараро
Дил дардига етдим мен.

— Биласизми, бу шеърни ким ёзган? — савол беради менга. Унинг муаллифини билсам-да, ўзимни билмасликка олдим.

— Э раҳмат-ей, ака. Бу шеърни ўзимизнинг Сариосиёмиздан етишиб чиққан шоир Сирожиддин Саййид ёзган. Жуда яхши ёзади.

Суҳбатдошим Сирожиддин, Мирзо Кенжабек, Йўлдош Эшбек, Усмон Азим, Шафоат Раҳматулло, Эркин Аъзам, Қадам Саидмурод, Гулондам Тоғаева, Эшқобил Шукур, Тўлқин Ҳайит ижоди ҳақида тўлқинланиб гапирар, аммо менинг хаёлим бошқа нарса билан банд эди. Шу топда кўз ўнгимда бир сатр ҳам шеърни ёддан билмайдиган олий маълумотли филолог гавдаланади. Уни қаршимда ўтириб шеър ўқиётган оддий бир ҳайдовчи Аннамурод ака билан қиёслайман. Булар ўз иш жойларини алмаштирсалар бўлмасмикин? Йўқ! Асло мумкин эмас. Уқувсиз, ношуд ҳайдовчи йўловчилар хавфсизлигини зинҳор таъминлай ололмайди. Аннамурод ака эса автоуловини ҳам жуда яхши бошқаради, сафари доим бехатардир, унинг.

— Ҳа, Аннамурод ака Жумақулиев ана шундай омадли инсонлардан саналади. У ўткинчи шон-шуҳрат, сохта обрў умри қисқалигини жуда яхши билади. Агар унинг шу хислати бўлмаганида, эҳтимол ҳали бирор нуфузли идоранинг масъул лавозимларида ишлаб юрган бўлармиди? Уни ҳақиқатни ёзмасликка, катта мансаб эвазига мухбирликдан бутунлай воз кечишга ундадилар. Кўнмади. Унга нисбатан туҳмат ва бўҳтонлар тўқдилар. Иродаси енгилмади. Ҳатто ҳайдовчилик қилишни ҳам раво кўрмадилар. Бир қанча вақт ишсиз юрди, моддий жиҳатдан роса қийналди. Лекин ёмонлар таклифига рози бўлмади. Яхши инсонлар кўмагида яна ишга жойлашди.

Шу баҳона 60 ёшга тўлган бу фаол жамоатчи мухбир доим ёзади. Ёзганда ҳам халқ севиб ўқийдиган қилиб ёзади. У матбуот байрами қачон нишонланишини билмайдиган айрим "забардаст" журналистлардай қалам ҳақи олиш учун нуқул ҳамду санолардан иборат катта ҳажмдаги мақолалар ёзишга уринган эмас. Ҳамиша ихчам: чертиб-чертиб ёзишга интилади. У шошилмай, далилларни пухта ўргангач, сўнг қўлига қалам олади. Аннамурод ака кўпинча заҳматкаш инсон ва унинг турмуши, иш фаолияти хусусида мақолалар ёзади.

Биз фаол мухбиримиз Аннамурод Жумақулиевни ОАВ куни байрами билан қутлаб ишларига омад, оилавий бахт ва тансиҳатлик тилаб қоламиз.

Анвар МУРОДОВ

Қатра

ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ

Чўнтагинг салом беришга қодирми?

(Бозорчининг гапи)

Бу ҳовлида ҳаловатдан бошқа ҳамма нарса топилади.

(Оқсоқолнинг гапи)

Бу дунёда йигитларни экиб қўйганман.

(Танноз қизнинг дегани)

Ҳали ўзингга соқол чиқмай туриб, кўсани мазах қилишни сенга ким қўйибди?

(Қариянинг танбеҳи)

Оғзида тилла тиши борлар кулсин, бошқалар кулмаса ҳам майлига!

(Қизиқчининг гапи)

Гап келганда гапирмаса, шу гап ўлдим деб, йиғлаб кетаркан!

(Нотиқнинг тушунтиришидан)

Синиқ кўнгилларга баҳолиқудрат қадоқ соламан.

(Симёғочдаги эълон)

Чўнтагинг касал экан, нима қиласан, қулоғингга ғалвир боғлаб!..

(Врачнинг беморга дегани)

Бўёқнинг қалинлигидан қизнинг лаблари чўччайиб кетди.

(Ошиқ йигитнинг мақтови)

Сочлари жингалак. Кўмирдек қоп-қора эр пахтадай оппоқ хотинини ғазаб билан бўға бошлади. Кейин дўппослашга тушди. Шундан сўнг мен бу ёққа чопдим.

(Фуқаронинг участка нозирига шошилинч хабари)

ДАН нозиридан бунчалик яхши муомала кутиш қахратон қишда полизда қовун пишгандай гап.

(Кекса ҳайдовчининг айтгани)

Нима зарил эди ернинг киндигига тўйга бориб. Биров раҳмат дедими?

(Хасис аёл ҳасрати)

Тўсатдан янграган қадрдон ҳуштак овози хаёлимга тормоз берди.

(Маст ҳайдовчи гапи)

Шу имонсиз чўлоқ чолим билан эллик йилдан буён жуда иноқ яшаётгандик. Шу кишининг жиянлари орамизга совуқлик киритди-қўйди. Бу чолимга жиян эмас, этига ёпишган текинтомоқ кананинг ўзгинаси.

(Кампир дейдиёси)

Афти чўяндан қуйилгандек совуқ навбатчи айбдорни олиб келди-ю, яна олиб чиқиб кетди. Бадани мисдай қизиган, юраги дукиллаб ураётгани шундоқ эшитилиб турибди.

(Ёш қаламкаш машқидан)

Муаззам кошона улкан даҳмадай теран сукут сақларди.

(Шоир илҳоми)

Унинг умрлари аллақайси менга қоронғу ўтмиш йилларининг шох-бутоқларида олма терган қизларнинг этакларидай илиниб қолган.

(Газетадаги хабар)

Ақлни аёлга тўйдан кейин эри беради. Бу гапни эшитган қизнинг оғзи семиз одамнинг киндигидек ланг очилиб қолди.

(Маҳалла оқсоқолининг дегани)

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи

«ВАТАНПАРВАР»

ташкилоти

оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин юракдан муборакбод этади.



Ватанимиз тараққиёти ва мудофаа салоҳиятини оширишга ҳисса қўшиб келаётган журналистларимизга куч-қувват, ижодий баркамоллик тилаймиз.

«ЎЗБЕК ИПАГИ» уюшмаси ва «ИПАК ИМПЭКС» ташқи савдо фирмаси жамоаси



Ўзбекистонимиз равнақи, буюк келажагимизга муносиб авлодни камол топтириш йўлида жонкуярлик кўрсатаётган ҳалол ва ҳақгўй, заҳматкаш журналистларни касб байрамлари билан дилдан қутлайди.



Барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги



«ЛОЧИН-Д»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти

юртимиздаги матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий табриклайди.





Барча-барчангизга мустаҳкам соғлиқ, аъло кайфият, жўшқин илҳом ва шахсий ҳаётингизда бахту омадлар ёр бўлсин, азиз журналистлар!

Ҳурматли журналистлар, қалам сохибларн!

ИПОТЕКА-БАНК

жамоаси

юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.


Барча журналистларга масъулиятли ва шарафли ишларида доимо омад ёр бўлсин!

Халкимизга янгиликларни етказиш, маънавий ва маърифий йўлдаги тарғибот ва ташвикот ишларингизда зафарлар тилаймиз.

IPOTEKA BANK

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ


Мустақил Ватанимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди.




Демократик давлат бунёд этиш йўлидаги фидокорона фаолиятингизда улкан зафарлар ҳамроҳ бўлсин!

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ» КОМБИНАТИ

эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган журналистларимизни касб байрамлари билан қизғин қутлайди.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик тижорат банки


MIKROKREDITBANK

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

«Микрокредитбанк» – кичик бизнес субъектлари, айниқса қишлоқ жойларда фермерлик ва хусусий тадбиркорликнинг кенг тармоқларини микрокредитлаш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш орқали рағбатлантирувчи ихтисослашган банк.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун олгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.





Тарих

«ТАРАҚҚИЙ» БОШЛАБ БЕРГАН ЙЎЛ

Ўзбек миллий матбуотининг тўнғичи бўлган «Тараққий» газетаси чиққан кунга юз йил тўлди. Тўғри, унгача 1870 йили Туркистон генерал губернатори Фон-Кауфманнинг кўрсатмаси билан ўлкада рус тилида «Туркестанские ведомости» ва унга илова тарзида ўзбек ва қозоқ тилларида «Туркистон вилоятининг газети» ташкил қилинган ва улар 47 йил давомида нашр этилиб турган эди. Бироқ бу газеталар босқинчиларнинг нашр афкори бўлиб, ўлкада мустабидлик сиёсатини олиб борган ва ана шу тизимни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилган. «Тараққий» эса маҳаллий халқларнинг миллий манфаатини ҳимоя қилган, уларда эрк, истиқлол туйғусини уйғотган, миллат шаънини кўтаришга, уларни озод ва мустақил ҳаёт учун кураш йўлига чорлаган газета сифатида Ватанимиз тарихидан муносиб ўрин олди. Ушбу газетани ташкил этиш мустабидлик даврида миллатдошларимизнинг миллий озодлик йўлига киришдек жасорат сари қай тарзда қадам ташлаганларини кўрсатувчи ёрқин далил ҳамдир. Шу боис «Тараққий» газетаси қандай ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келганини, уни кимлар бунёд этишганини бугун яна бир карра эслаш жасур аждодларимиз руҳи покларини шод қилиш деган гап. Келинг, мана шулар ҳақида суҳбатлашиш учун юз йил муқаддам содир бўлган воқеаларга хаёлан бўлса-да, қайтишга уринайлик.

... 1905-1907 йиллардаги шиддатли инқилобий ҳаракатлар яккаҳокимлик асосига қурилган чор Русиясидек салтанатни ҳам ларзага келтирганди. Талвасага тушган подшо Николай Иккинчи 1905 йилнинг 17 октябрида манифест деб аталган ҳужжатни имзолашга мажбур бўлганди. Манифестга кўра, Русия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар (фирқалар) тузиш ихтиёри ваъда қилинганди. Мана шу вазият мустабидлик занжирига тушган Туркистонда ҳам миллий матбуот юзага келишининг сиёсий омилини ташкил этганди.

Туркистондаги мустабидлар маҳаллий аҳолининг мафкуравий қудратли қурол ҳисобланган газета чиқаришларидан ниҳоятда хавфсирардилар. Шу боис манифест эълон қилингандан сўнг ҳам турли йўллар билан бунга тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар. Маҳаллий зиёлиларни, аниқроғи, тараққийпарварларни лақиллатиш мақсадида 1906 йилнинг 2 январида ўзларининг содиқ хизматкори Иван Гейер муҳаррирлигида «Ўрта Осиёнинг умр гузорлиги. Тараққий» номли ўзбекча газета чиқариб, гўё бу билан маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи газета ташкил қилинди, деган сохта тасаввур уйғотмоқчи бўлдилар. Маҳаллий зиёлилар бу макрнинг тагига етмасдан, И. Гейер газетаси чиққанидан хурсанд бўлишиб, унда иштирок этиш учун гуриллаб газета таҳририятига йўл олдилар. Лекин тез орада маълум бўлдики, мустабид ҳукмдорлар бу газетани кўз бўяш учунгина чиқарган экан. Амалда у ҳам Туркистон губернаторлигининг расмий нашри «Туркистон вилоятининг газети»дан деярли фарқ қилмасди. Шу боис маҳаллий зиёлиларнинг мазкур газетадан ҳафсалалари пир бўлишиб, унга мутлақо қатнашмай қўйишди ва у 17 сони чиққач тўхтаб қолди. Шу вазиятдан жадидлар усталик билан фойдаланадилар. Хусусан, Мунаввар қори мазкур газетанинг моддий-техник заминида маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қила оладиган даврий нашрга эга бўлиш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Чунки у И. Гейер чиқарган «Ўрта Осиёнинг умр гузорлиги. Тараққий» газетаси таҳририятига ишга жойлашиб олганди. Унинг газета таҳририятига жойлашишига бир тасодиф кўмак берган.

И. Гейер газетасини чиқариш ҳаракати билан юрганда, «Туркистон вилоятининг газети»да ходим бўлиб ишлаётган мулла Олим Абулқосимовдан маҳаллий аҳолидан ўзларига садоқатли бир зиёлини топиб беришни сўрайди. Мулла Олим унга Мунаввар қорини тавсия қилади. Ҳар ҳолда, бу ерда мулла Олим ҳам, И. Гейер ҳам адашишганди: Мунаввар қори мустабидларга садоқатли гуманомаси Мунаввар қори биргаликда ишлаб кета олди. Уларни бир нарса бирлаштириб турарди: золим ва маккор салтанатнинг бўғовидан қутулиш.

Газета муҳаррири Исмоил Обидий мустабидларни «ҳуркитиб юбормаслик» учун газета биринчи сонининг охирги – тўртинчи саҳифасида ўз маслагини пардалироқ қилиб баён этади: «Газетамиз «Тараққий» номинда ўлуб, борабора жисми ҳам исмиға мувофиқ ўлуб миллатимизни «кейин» қолмоғиға, жаҳолат ва ғафлати олийда ўлуб бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғиға асло рози эмасдирмиз... биноан алайҳа, газетамизнинг нажотимизға, дунё ва охиратда масъул ўлмоқиға ёлғуз илм бобидур демак энг биринчи вазифасидур». Газета «нажот» деганда, нимани назарда тутганлигини пайқаш қийин эмас: мустабидлик занжирига тушиб қолган халқнинг нажоти эркинлик, озодликдан бошқа нарса эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Миллатимизнинг бошқа миллатлардан орқада қолишига асло рози бўлмаслик гўё бугун ёзилган сатрлардек таассурот қолдиради. Нажотга эришишнинг, тараққий топишнинг ягона йўли – илм-маърифатни эгаллаш орқали, деган фикр ҳам нақадар ўйлаб айтилгани сезилиб туради.

Газета «замонимиз фойда ва истифода замонидир», «миллат манфаатини хизмат этмак замон, тортган меҳнат, кўрган заҳматларидан қутуладурғон замон бу замон. Дин ва дунёмиз учун ғайрат қилуб ибрат оладурғон замон – бу замон. Ҳар ким ўз ҳиссасин олиб турғон муддатда оғиз очуб қоладурғон замон эмас»лигини ҳам усталик билан ишора қилиб ўтади. Бунинг учун яшаш тарзини, турмуш шароитини бир карра кўздан кечириб, эскирган, замона талабларига жавоб беролмай қолган урф-одатларни, расм-русумларни, муассасаларни «таъмирлаш», ислоҳ қилиш керак, деган ғояни илгари суради, асрлар давомида халқни тараққиётдан, тамаддуниятда орқага қолишга сабабчи бўлаётган нарсалардан воз кечиш кераклиги англатилди. Энг муҳими, миллатдошларимизнинг ривож топишида улкан тўсиқ бўлиб қолаётган жаҳолат балосидан қутулишга алоҳида эътибор берилди.

«Тараққий» илк сонидаёқ Мунаввар қорининг маҳаллий аҳолини жаҳолат ботқоғидан олиб чиқишга даъват этувчи «Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб» сарлавҳали мақоласини эълон қилганди. Мақолада маҳаллий аҳоли ўртасида илдиз отган энг катта бир иллат очиқ кўрсатиб берилди. Жаҳолат – бу бирор нарсани билмаслик. Жаҳли мураккаб эса билмаган нарсасини жаҳолати туфайли англамаслик, яъни икки карра жаҳолатдир, дейди муаллиф. Шу аснода муаллиф «эски мактаб» деб аталувчи анъанавий мусулмон мактабларидаги ўқитиш тизимини кескин танқид қилади, уни тубдан ислоҳ этиш керак, деган фикрни илгари суради. Мактабда ислом дини асослари билан бирга, ўқитилишидан фойда бўлмаган китоб (дарс)лар ўрнига замонавий ҳаётда фойдаси тегадиган фанлар, жумладан, ҳисоб, жуғрофия, таворих, тарихи ислом кабиларни ўқитиш масаласи қўйилади. Демак, муаллиф мактабдаги таълим ва тарбия ҳаёт билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим, деган талабни қўяди. Мунаввар қори биринчилардан бўлиб ўқитиладиган дарс (фан)ларнинг болалар ёшига муносиб бўлиши лозимлигини, уларнинг ахлоқига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш даркорлигини ўртага ташлайди. Мақолада мактабларда ҳаётда асқотадиган дарсларни ўқитиш керак, ўқитувчилар билими, ахлоқи, маънавий жиҳатлари билан шу касбга мос бўлишлари лозим, улар замонавий педагогик услубларни эгаллаган бўлишлари даркор, деган фикрлар илк мартаба ўртага ташланди. Бу фикрлар ўша пайтда — дин аҳллари, уламоларнинг жамиятда мавқелари катта бўлиб турган замонда дадил ўртага ташланиши, айтиш мумкинки, муайян даражада жасорат эди.

«Тараққий» газетаси чор Русияси давлат тизими ҳақида ҳам дадил фикрларни билдира олди. Жумладан, газетанинг 1-сонида «Дума хусусинда» сарлавҳали мақола шундай руҳга эга. Мақоланинг мазмунига мутлақ ҳокимият (абсолют монархия) тузумига қараганда парламентли давлат тузуми афзалдир, деган фикр сингдирилган.

Газетанинг 3-сонидаги «Тошканд. 22 июн» сарлавҳали бош мақолада ҳам чор Русияси давлати тизимининг иллатлари ҳақида сўз юритилади. Унда ёзилишича, рус-япон уруши Русиядаги катта мансабдор ҳарбийларнинг ўз лавозимларига нолойиқлигини исботлаган. Уруш Русия қўшинларининг техника, замонавий қурол-яроғ жиҳатидан орқада қолганлигини кўрсатган. Шу боис Русиядек катта салтанат Ажам (Эрон)дан қарз сўрашга мажбур бўлган. Бу фикрларнинг замирида гўё Русиянинг мағлубиятидан ачинилгандек бўлса-да, аслида унинг ҳар қанча қудратли, улуғ салтанат дейилишига қарамай, заиф жойлари, тизимида иллатлари борлиги кўрсатилмоқда. Демак, Русиядек қудратли ва маккор салтанат исканжасидан қутулиш мумкин. Мана шу фикр «Тараққий»даги катта-кичик хабарларни танлашда ҳам сезилади. Жумладан, газетанинг 16-сонидаги бир хабарни олайлик. Унда «Таржумон» газетасидан қуйидаги хабар олиб босилган: бир матбаага 20 июль куни бир гуруҳ қуролли кишилар бостириб киришади ва миллат мажлиси аъзоларининг аҳолига мурожаатини татар тилида 1200 нусхада чоп эттириб чиқиб кетишади. Бу хабар замирида шундай маъно бор: Русия қудратли давлат дейилса-да, ҳаракат қилинса, унинг заиф жойларини топиш мумкин. Демак, миллий-озодлик ҳаракатига бел боғлайвериш керак.

«Тараққий» ўша даврдаги Русия давлати амалдорлари ҳақида ҳам дадил фикрлар билдира олди. Жумладан, унинг 8 август сонидаги «Маъмурлар» сарлавҳали мақоласида ҳозир аксари маъмурлар ўзлари эгаллаб турган лавозимларга салоҳиятлари, қобилиятлари жиҳатидан лойиқ эмас. Уларни Давлат думасига чақириб, нойиблар олдида савол-жавоб воситасида ўз лавозимларига лойиқ-нолойиқликларини аниқлаш даркор. Ана шундан кейингина подшоҳ улардан лойиқларини лавозимларга тайинлаш тўғрисида фармон чиқариши даркор, дейилган.

Газета ўрта мактаблар ислоҳи бўйича бугун мамлакатда кетаётган баҳсларга гўё аралашгандек бўлиб, мустамлака ўлкаларнинг мактабларида ўқитиш аҳолининг ўз она тилида бўлиши керак, деган талабни қўяди. Муҳими шундаки, газета бу фикрини шунчаки сўраш, ўтиниш тарзида айтмайди. Бу маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи дейди. Ҳақ эса берилмайди, олинади. Бундай ифодага катта маъно, рамз жойланган эди.

«Тараққий» шу каби дадил фикрлари, маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилгани, миллий онгини ўстиришга ҳаракат қилгани учун маҳаллий зиёлилар, умуман, аҳоли орасида катта обрўга эга бўлди. Мустабидлар эса газетанинг ҳар бир сонини катта бир хавфсираш билан қаршиларди. Ваҳимага тушган маъмурлар миссионер, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н.Остроумов орқали газетага қарши ҳужум уюштирдилар. Туллак Остроумов эса аҳолининг заиф жойларини яхши биларди. Шу боис у «Тараққий»га қарши уламоларни гиж-гижлади. Унинг газетаси «Туркистон вилоятининг газети»да «Тараққий»га қарши бутун бир курашувчилар гуруҳи шакланди: деярли ҳар бир сонида «Мулла», «Муллавачча» деган турли имзоли кимсаларнинг демагогияга асосланган, бўҳтон аралаш заҳарли чиқишлари уюштирилди. Булар, шубҳасиз, беҳудага қилинмаган эди. «Тараққий» газетасининг бор-йўғи 20 сони чиқди. 1906 йилнинг 21 августида газета таҳририятига полициячилар бостириб киришади, тинтув ўтказишиб, охирги, 20-сонини мусодара қилишади, олиб кетилган ашёлар асосида муҳарририни судга беришади. 26 августда бўлган суд газетани ёпишга, муҳарририни эса 3 ой қамоқ жазосига ҳукм қилади. Сўнг қамоқ жазоси уч йиллик сургун билан алмаштирилади. Илк миллий газетамиз ва унинг жасоратли муҳаррирининг тақдири шу тариқа якун топади. Лекин халқимиз газета муҳарририни шундай жасорати, умуман, маҳаллий миллат олдидаги хизматлари эвазига «Исмоил Тараққий» деган нисба билан атайди. Бу туркистонлик мазлум халқ ва элатларнинг Исмоил Обидийга бўлган катта эҳтиромининг белгиси эди.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

(Давоми бор).

Матбаа

"ИШХОНАМ — ИККИНЧИ УЙИМ"



Китоблар ҳар бир инсон қалбига беқиёс билим манбаини, ҳаёт ибратини олиб киради. Ана шундай замонавий китобларни чоп этиб, одамларга бебаҳо илм хазинасини тортиқ этаётган матбаачиларнинг кўпчилиги "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уйида ишлашади. Бу корхонада тайёрланаётган босма маҳсулотлар бугун нафақат диёримизда, балки қўшни республикаларда ҳам харидоргир. Бунинг боиси маҳсулотлар сифатининг юқорилиги, ташқи кўринишининг бежиримлигидир.

Корхонада 745 нафардан зиёд ишчи ва хизматчи ишласа, уларнинг 430 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Аёл аввало, она, у ҳам ишини, ҳам оиласини бирдек уддалаши учун етарли шароит зарур. Бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун дам олиш хоналари ташкил этилган. Соғлиқларини мунтазам равишда назорат қиладиган тиббиёт хонаси улар ихтиёрида.

— Кейинги йилларда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилаётган сиёсий, бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар мундарижаси бойиб бормоқда, — дея таъкидлайди ижодий уй бош муҳаррири Шомуҳитдин Мансуров. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 13-жилди, "Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида" тўпламми, "Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари" тўплами, "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди", "Ўзбекистон модернизация ва демократик тараққиёт сари", "Энг улуғ ва энг азиз байрам томошалари", "Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш", "Тошкент маҳаллалари: маълумотнома", "Армия — ҳаёт мактаби муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчига эслатма" китоблари, "Ўзбекистон юксалиш йўлида", "Ўзбекистон ислом обидалари" фотоальбомлари, "Бугунги Андижон" китоб-альбоми нашрдан чиқарилди. Шунингдек, корхонамизда таълим ўзбек, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар учун дасрликлар, қўлланмалар нашрга тайёрланиб чоп этилади. 30 дан ортиқ номда газета ва журналлар ҳам нашр этилади. Ишлаб чиқарилаётган дафтарлар, ёзув-чизув моллари, бежирим кундаликлар, расм дафтарлар болажонларни қувонтирмоқда.

— Корхонамизда иш ҳажми, унинг кўлами ва сифатини янада ошириш мақсадида тинмай изланаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Зоир Исажонов. — Яқинда цехимизга КВА "Рапида-105" маркали Германиядан келтирилган янги босма машинасини ўрнатдик. Эски русумдаги машиналаримизда 6 киши ишлаган бўлса, серунум бу машинада учта бригада тўлиқ иш билан таъминланди.

Ҳа, улар айтганидек, мавжуд 8 та цехда куну тун иш қизғин. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг қай бири билан суҳбатлашманг қилаётган меҳнати ва унинг маҳсулидан мамнунлигининг гувоҳи бўласиз. Биргина 2006 йилнинг беш ойида 19,5 млн. босма табоқ ҳажмда, 2 млн. 400 минг нусхада китоб, газета журнал ва бошқа босма маҳсулотлар чоп қилинди.

Иш унумининг асосий илдизи ўзгаларга зиё нурини тарқатаётган матбаачиларга яратилган шарт-шароитнинг кўнгилдагидек эканлигида. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига бепул дарсликлар, дафтарлар берилмоқда, улар чегирилган нархларда оромгоҳларга йўлланмалар билан таъминланмоқда. Рағбатлантириш, фахрийларни нафақага кузатиш маросимлари мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Бир сўз билан айтганда, иноқликдаги интилиш ўз самарасини бермоқда.

"Ишхонам — иккинчи уйим", — дея сидқидилдан меҳнат қилаётган матбаачиларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, уларга омонлик тиладик.

Жамила ЭРДОНОВА

Суҳбат

«РАҚОБАТ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙДИ»

дейди Тошкент автомобиль-йўллар институтининг 1-проректори, доцент Дагар РАСИЛОВ

Август ойи яқинлашиши билан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига ҳозирлик кўраётган абитуриентлар учун ҳаяжонли кунлар бошланади. Бу йил мамлакатимиз миқёсида 260 мингдан зиёд ўқувчи 11-синфни тамомлади. Табиийки, янги ҳаёт остонасига қадам қўяётган аксарият ёшларимизни бугун "Қайси олий ўқув юртига ҳужжат топширсам экан?" деган савол қийнаяпти. Қуйидаги суҳбатда мамлакатимиздаги етакчи олий таълим даргоҳларидан бири — Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳусусида маълумот берилган.



— Дагар Расилович, мулоқот аввалида Тошкент автомобиль-йўллар институтининг бугунги куни ҳақида маълумот бериб ўтсангиз. Умуман, ушбу таълим даргоҳи мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўрин эгаллайди?

— Ўзбекистон 1996 йилдан дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилди. Юртимизда автомобилсозлик саноатининг вужудга келиши ва ривожланиб бориши эса, табиийки, мазкур соҳа бўйича етук ва малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Тошкент автомобиль-йўллар институти айнан автомобилсозлик ва унга боғлиқ бўлган бошқа тармоқлар учун кадрлар етказиб берувчи нафақат мамлакатимиз, бутун минтақамиздаги етакчи олий ўқув юртларидан биридир.

Собиқ Иттифоқ даврида фақатгина учта шаҳар — Москва, Киев ва Тошкентда автомобиль-йўллар институтлари фаолият юритган. Асли 1972 йилда ташкил этилган Тошкент автомобиль-йўллар институти Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Бангладеш, Таиланд, Вьетнам ва бир қатор Араб давлатларига малакали кадрлар тайёрлаб берган. Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳозир ҳам Марказий Осиёдаги ягона ихтисослашган олий ўқув муассасаси ҳисобланади.

Айни пайтда таълим даргоҳимизда автотранспорт, автомобилсозлик, автомобиль йўллар қурилиши, иқтисод ва касбий таълим каби 5 та факультет ҳамда 23 та кафедра фаолият юритмоқда. Кундузги ва сиртқи бўлимларда таҳсил олаётган 4000 дан ошиқ ёшларга билимдон, тажрибали устозлар таълим беришмоқда. Ўқитувчиларимизнинг 25 нафари фан доктори, 150 нафари фан номзоди саналади.

— Юқорида ТАЙИ бир пайтлар бутун Шарқ мамлакатларига мутахассис етказиб берганини айтиб ўтдингиз. Институтнинг ҳозирги ҳалқаро алоқалари қай даражада? Қайси хориж давлатлари билан ҳамкорлик олиб боряпсизлар?

— Москва автомобиль-йўллар институти билан фаол ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ушбу ҳамкорлик доирасида аспирантлар алмашуви йўлга қўйилган. Бундан ташқари Франция, Жанубий Корея институтлари билан ҳам алоқалар олиб бормоқдамиз. Германиянинг Мюнхен, Берлин, Бонн шаҳарларида жойлашган таълим муассасалари ҳам биз билан талабалар алмашуви ва илмий тадқиқотлар борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, Швеция олий ўқув юртлари билан ҳамкорлигимиз самараси ўлароқ, яқинда бир гуруҳ талаба ва ўқитувчиларимиз Скандинавия мамлакатида танишув ва малака ошириш сафарида бўлиб қайтишди.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи бошланганига ҳам бир йилдан ошди. ТАЙИда таълим сифатини ошириш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Таълим савиясини кўтариш учун ўқитишнинг интерактив усулларини қўллашга интилмоқдамиз. Бугунги ахборот технологиялари даврида олий таълимни компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Институтимизда 200 дан ошиқ компьютер билан таъминланган 5 та хона талабалар хизматида. Шунингдек, институтда барча юқори педагогик технологиялар билан жиҳозланган 7 та аудитория ҳам ишлаб турибди. Эътиборли жиҳати, ушбу аудиторияларда машғулот жараёнини ташқаридан монитор орқали кузатиш мумкин. Бу эса ҳар бир ўқитувчини дарсларга жиддий ва пухта ҳозирлик кўришга ундайди. Умуман, таълим муассасамизда ўқитувчилар ўртасида ўзига хос рақобат муҳити шаклланган. Назаримда, таълим жараёнида ҳам рақобат муҳитининг юзага келиши бир пайтнинг ўзида ҳам талабалар, ҳам ўқитувчилар билим даражасининг ошишига ижобий таъсир этади.

Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида институтимиз устозларидан 5 таси номзодлик, яна 3 таси докторлик илмий даражасини олганини ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Бугунги кунда дипломи бўлатуриб, иш топа олмаётган ёшлар ҳам талайгина. Битирувчи кадрларни ишга жойлаштириш масаласига эътибор қандай?

— Тўғри таъкидладингиз. Ҳозирги пайтда ёшларни иш билан таъминлаш асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Шуни инобатга олиб, ТАЙИда махсус маркетинг хизмати ташкил этилган. Маркетинг хизмати институтимизни битирган талабаларни иш билан таъминланиш кўрсаткичини ҳисоблаб боради.

Институтимизда бу борада яхши анъана шаклланиб қолган. Битирувчи талаба ва магистрларимизни салмоқли қисми ҳар йили махсус йўлланма билан ишга юборилади. Ҳозирда институт ўқитувчиларининг ўртача ёши 55 ни ташкил қилмоқда. Бу эса пелагоглар таркибини ёшлар билан тўлдиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозир битирувчиларнинг илмий салоҳияти юқори 10-12 фоизини институтда олиб қоляпмиз.

Айни пайтда ТАЙИни тамомлаган кадрлар автомобиль-йўллар йўналишидан ташқари ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳам фаолият юритиб келмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида таълим даргоҳлари ҳам ўз-ўзини таъминлаш йўлига ўтмоқда. Бу сизларга оғирлик қилмаяптими?

— Институт бюджетига ҳар йили тўлов контрактларидан ўртача 1 миллиард сўм тушади. Албатта, бу маблағ эҳтиёжларни тўла қоплаш учун етарли эмас. Шунинг учун институтимиз тадқиқотчилари буюртма асосида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ана шу илмий тадқиқотлардан ҳар йили 150 миллион сўм атрофида қўшимча даромад олиняпти. Бундан ташқари, битирувчи талабаларимиз ҳам диплом ва магистрлик диссертацияларини ҳомий ташкилотларнинг махсус буюртмаси асосида ёзишяпти. Бу эса ҳам битирувчиларга, ҳам институтга манфаатли бўлган ҳамкорликдир. Хуллас, рақобат ва бозор иқтисоди шароитида қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ ва интилишларимиз ўз самарасини беряпти.

— Иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади, дейишади...

— Ўзимизга боғлиқ бўлган масалаларда бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиляпмиз. Бироқ имкон доирамиздан ташқарида бўлган айрим масалалар ҳам бор.

Ҳозиги кунда институтимизда 1200-1300 атрофида вилоятлардан келган талаба таҳсил олмоқда. Табиийки, уларни яшаш жойи билан таъминлаш бирламчи вазифа саналади. Бироқ ҳозирча уларнинг фақат 450 таси ётоқхона билан таъминланган.

Бундан ташқари, институтимизда мавжуд спорт иншоотларини ҳам қайта қуриш зарур. Албатта, таълим муассасамизда спорт майдонлари, заллар бор. Лекин улар пойтахт олий ўқув юрти учун талаб даражасида деб бўлмайди.

Агар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу масалаларда институтга амалий кўмак берса, нур устига нур бўларди.

— Ўқув йили тамомланиб, имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қолди. Бу йилги имтиҳон мавсумида абитуриентларни қандай янгиликлар кутяпти?

— Бу йил ҳарбий хизматни ўтаб ҳужжат топширган абитуриентларга кўпроқ имтиёз берилади. Институтимиз бакалавриат йўналишида 655 та талаба қабул қилишни режалаштирган (улардан 395 таси — контракт, 260 таси — бюджет). Магистратура босқичига эса 110 нафар талаба қабул қилинади. Маълумот ўрнида айтиб ўтмоқчи эдим. Институтимизда 20 июндан қабул комиссияси иш бошланган. Абитуриентлар 8-30 дан 18-30 га қадар ҳужжат топширишлари мумкин.

Ислом СУЛТОНОВ
суҳбатлашди

Ҳажвия

«МЕНИ ЁЗИПТИ»



Қўлингиздаги нима? Газетми, жўрналми? Хўш, нима деб ёзипти? Ҳикоя? Э-э, ҳозир ким ҳикоя ўқирди. "Спортлото" ўқияпти! Қаҳрамони сизга ўхшаб кетади, дейсизми? Қани, бу ёққа беринг-чи? Хўш, ма-мут де, де... ган... ша-а-хс юлдузни бенарвон уради-ю-ю... хўш, вей, паразит, точна, мени ёзипти. Лекин, "хумкалла" дегани нотўғри. Мен эллик беш размерли шапка кияман. Хўш, у до-им ки-чи-к хотинидан азроилдан қўрқандек қўрқади. Тўғри, қўрқаман-да. Хотин азроилнинг ўзи. Хўш, бош-лиқ-лар-га тез-тез узатиб туради. Вой, паразит, точно ёзипти. Узатмасак яшолмаймиз-да...

Нима? Давомини ўқинг, дейсизми? Давоми ҳам борми? Э-э, манави ёқда экан. Хўш, мин-ре-а-ал... ўғитни, дорини далага юбориш ўрнига раиснинг томорқасига жўнатган... буям тўғри. Бозор иқтисоди. Пул берганга бераман. Хў-ш, газни тўхтатиб қўяди, аҳо-олини совуққа қо-лдираади-да... ҳмм, по... по-ра берган, те-п-ли-са-си бор у-учарларга буриб юборади... газета ўқимайди. Паловни яхши кўра-ади. Ўзи асли зоти тоза мус-мусулмон одамнинг фарзанди. Точна, мени ёзипти. Дадам раҳматли ҳалол одам эдилар. Хў-ш, ҳар, ҳар бир гапига ажнабий гапларни аралаштириб гапиради, Давлат тили қо-о-ну-нига амал қилмайди. Вой, паразит, ҳа, бу ҳикоя эмас, пелетон, шекилли. Ундай десам, менинг памилиям йўқ. Точний ёзиш керак!

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Ўзбекистон ахборот агентлиги HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 855
Т: 3204
1 2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.